

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

534 «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тад- бирлари тўғрисида

«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўзстандарт» агентлиги белгиланган тартибда:

2014 йил 5 апрелгача аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматлари фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш натижаларига кўра аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳнома-ни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилишда янги гувоҳномалар уларни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб расмийлаштирилишини;

мувофиқликни баҳолаш соҳаси ходими сифатида қатнашишга талабгор бўлган мутахассисларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг икки ой муддатда ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилишини;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 14 октябрь,
292-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик
хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция
назоратидан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Миллий аккредитация органи — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги;

Аккредитация қилиш кенгаши — Миллий аккредитация органи, мувофиқликни баҳолаш соҳасида ваколатли вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар вакилларида иборат бўлган доимий ишлайдиган орган, аккредитация қилиш ва инспекция назоратини ўтказиш ишлари натижаларини кўриб чиқиш ҳамда тавсия тусидаги хулосалар бериш унинг асосий вазифаси ҳисобланади;

ариза берувчи — аккредитация олишга талабгор бўлган юридик шахс;

мувофиқликни баҳолаш органи — юридик шахслар ҳисобланган ва мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитация қилинган инспекция органлари, синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари), маҳсулотларни, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш органлари;

метрологик хизмат — юридик шахсларнинг давлат органлари ва метрологик хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовларнинг ягона birlikда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

аккредитация қилиш соҳаси — аккредитация қилишда Миллий ак-

кредитация органи томонидан белгиланадиган мувофиқликни баҳолаш органининг фаолияти соҳаси;

аккредитация қилиш объекти — мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат;

аккредитация қилиш шартлари — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар мажмуи. Аккредитация қилиш объекти ушбу талабларга мувофиқ бўлиши керак;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома — аккредитация қилиш соҳасидаги ишларни бажариш учун мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг малакали эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

сифат бўйича эксперт-аудитор — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ишларни бажариш учун тегишли малакага эга бўлган мутахассис;

техник эксперт — мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ишларни ташкил этишга, жараёнга ёки фаолиятга доир махсус билимларга ва тажрибага эга бўлган жисмоний шахс;

ходимлар — мувофиқликни баҳолаш ишларини ўтказиш учун тайёргарликка ва малакага эга бўлган мутахассислар;

биринчи томон — ишлаб чиқарувчининг ёки хизматлар кўрсатувчининг манфаатларини ифодаловчи юридик шахслар;

иккинчи томон — мувофиқлиги баҳоланаётган объектдан истёъмолчи сифатида манфаатдор бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

учинчи томон — биринчи ва иккинчи томондан мустақил бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

3. Маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимлар, шунингдек метрологик ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш борасида ўзининг малакали эканлигини эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан Миллий аккредитация органига мурожаат қилган талабгор аккредитация қилинади.

4. Аккредитация қилиш аккредитация қилинаётган объектнинг малакали эканлигини ва унинг мустақиллигини расман тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

5. Қуйидагилар аккредитация қилишнинг умумий шартлари ҳисобланади:

а) штатида аккредитациянинг ариза берилаётган соҳасида малакали ходимларнинг мавжудлиги;

б) сифат менежментининг амалдаги тизими мавжудлиги;

в) мувофиқлиги баҳоланаётган объектлар учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги.

6. Қуйидагилар ариза берувчини маҳсулотни сертификатлаштириш органи ва/ёки сертификатлаштириш бўйича инспекция органи сифатида аккредитация қилиш учун қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) аккредитация қилинаётган объектнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, ижро этувчилар ва истеъмолчилардан мустақиллиги;

в) штатида сифат бўйича камида икки нафар эксперт-аудиторнинг мавжудлиги;

г) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда белгиланган баҳоланаётган объектнинг асосий кўрсаткичлари аксарият қисмини белгиловчи, ўзининг белгиланган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториясининг (марказининг) мавжудлиги;

д) баҳоланаётган объект асосий кўрсаткичларининг етишмаётган қисмини аниқлашни таъминловчи аккредитация қилинган ўзга синов лаборатория (марказ)лари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимларнинг мавжудлиги.

7. Қўйидагилар ариза берувчини хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаштириш органи сифатида аккредитация қилиш учун қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) баҳоланаётган тарафдан мустақиллик;

б) штатида сифат бўйича камида икки нафар эксперт-аудиторнинг мавжудлиги.

8. Қўйидагилар ариза берувчини юк ортишдан олдин ва/ёки юкни тушириш вақтидаги инспекцияни ўтказиш бўйича инспекция органи сифатида аккредитация қилиш учун қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) маҳсулотни сертификатлаштириш органлари ва аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар;

б) маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун тегишли техника воситалари ва асбоб-ускуналар ёки лабораториялар;

в) Халқаро инспекция агентликлари федерациясининг юкни ортишдан олдин инспекция ўтказишга доир талабларига жавоб берадиган ташкилотлар билан битимлар;

г) Халқаро инспекция агентликлари федерациясига аъзоликни тасдиқловчи ҳужжат (Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун) мавжудлиги.

9. Маҳсулотлар, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни, сертификатлаштириш органи, сертификатлаш бўйича инспекция органи ва юкни ортишдан олдин ва/ёки юкни тушириш вақтида инспекцияни ўтказиш бўйича инспекция органининг раҳбари сифат бўйича эксперт-аудитор томонидан аттестациядан ўтказилган бўлиши керак.

10. Синов ва ўлчов лабораторияларини (марказларини) ва метрологик хизматни аккредитация қилиш учун қўйидагиларнинг мавжуд бўлиши қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) синов ва/ёки ўлчов усулларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар;

б) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг тегишли талабларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш бинolari ва атроф муҳит шароитлари;

в) аккредитация қилишнинг кўрсатилган соҳасига мувофиқ синов ва/ёки ўлчовларни ўтказишни таъминловчи синов воситалари ва/ёки ўлчов воситалари.

11. Синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари) уларда учинчи томон мақоми мавжуд бўлганда мустақил эканлиги сифатида аккредитация қилиниши мумкин.

II боб. Аккредитация қилиш тартиби

1-§. Аккредитация қилиш босқичлари

12. Ариза берувчиларни аккредитация қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади ва қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

а) аккредитация қилишга буюртманома бериш;

б) тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг бутлигини ва тўлиқлигини таҳлил қилиш ҳамда аккредитация қилиш ишларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки тақдим этилган ҳужжатларни пухталаштириш учун қайтариш, экспертиза далолатномасини расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш;

в) аккредитация объектини баҳолаш, баҳолаш далолатномасини расмийлаштирилган ҳолда аккредитация объектини баҳолаш учун комиссия тузиш;

г) аккредитация объектини баҳолаш натижаларини ва тузатиш ишлари (баҳолашда номувофиқлар аниқланган тақдирда) самарадорлигини таҳлил қилиш Миллий аккредитация органи томонидан ариза берувчини аккредитация қилиш ёки Аккредитация қилиш кенгаши тавсияларини ҳисобга олган ҳолда аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва бериш.

13. Аккредитация қилишнинг ҳар бир навбатдаги босқичи олдинги босқичнинг натижалари ижобий бўлган тақдирда бажарилади.

14. Аккредитация қилиш (аккредитация қилиш соҳасини кенгайтириш) ишлари учун тўлов ариза берувчи томонидан босқичма-босқич, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Ариза берувчи, аккредитация қилиш натижаларидан қатъи назар, аккредитация бўйича ишларни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни босқичма-босқич тузиладиган шартномага мувофиқ тўлаши шарт.

16. Такрорий аккредитация қилиш ушбу Низом II бобининг 2-параграфи мувофиқ ўтказилади.

2-§. Аккредитацияни ўтказиш

17. Ариза берувчи ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича аккредитация қилишга буюртманомани Миллий аккредитация органига юбо-

ради, унга ушбу Низомнинг 19 — 21-бандларида кўрсатилган хужжатлар ва маълумотларни илова қилади.

18. Ариза берувчи аккредитация қилишга буюртманомани, унга зарур хужжатларни илова қилган ҳолда, бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки электрон шаклда бериши мумкин.

Буюртманома электрон шаклда берилган тақдирда Миллий аккредитация органи хужжатларнинг расми олинган версиясини экспертизага қабул қилади, сўнгра уларни аккредитация объектнинг мувофиқлиги баҳоланадиган жойга борган вақтда асл нусхаси билан таққослайди. Миллий аккредитация органи электрон шаклдаги буюртманома олингани тўғрисида ариза берувчи хабардор қилинишини таъминлайди.

19. Маҳсулотлар, менежмент тизимлари, ходимларни ва сертификатлаштириш бўйича инспекция органини сертификатлаштириш бўйича аккредитация қилиш органига бериладиган буюртманомага қўйидагилар илова қилинади:

а) аккредитация қилиниши сўралаётган аккредитация соҳасини аниқловчи мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхати;

б) сифат менежменти тизими тартиб-таомиллари ва мувофиқликни тасдиқлаш бўйича ишларни бажариш қоидаларидан иборат бўлган сифат бўйича қўлланма;

в) ходимлар ва сифат бўйича эксперт-аудиторлар тўғрисидаги маълумотлар.

20. Синов ва/ёки ўлчов лабораторияларини (марказларини) ва/ёки метрологик хизматни аккредитация қилиш учун буюртманомага қўйидаги хужжатлар ва маълумотлар илова қилинади:

а) аккредитация соҳасини белгиловчи аккредитация қилиш сўралаётган синовлар усуллари (методикалари) ва/ёки ўлчовлар турлари рўйхати;

б) синов ва/ёки ўлчов лабораторияси (маркази)нинг ва/ёки метрологик хизматнинг паспорти;

в) сифат менежменти тизими тартиб-таомилларидан иборат бўлган сифат бўйича қўлланмалар.

21. Юкни ортишдан олдин ва/ёки юкни тушириш вақтидаги инспекцияни ўтказувчи инспекция органини аккредитация қилиш учун буюртманомага қўйидаги хужжатлар ва маълумотлар илова қилинади:

а) аккредитация соҳасини аниқловчи мувофиқликни баҳолаш объектларини аккредитация қилишнинг сўралаётган объектлари рўйхати;

б) мувофиқликни тасдиқлаш ишларини ва сифат менежменти тизими тартиб-таомилларидан иборат бўлган сифат бўйича қўлланмалар;

в) ходимлар тўғрисидаги маълумотлар;

г) юкни ортишдан олдин ёки юкни тушириш вақтида ариза берувчи улар билан бирга ишлашни мўлжаллаётган мувофиқликни баҳолаш органлари тўғрисидаги маълумотлар.

22. Ушбу Низомнинг 19 — 21-бандларида кўрсатилмаган хужжатларни талаб қилиш тақиқланади. Ушбу Низомнинг 19 — 21-бандларида кўрсатилган хужжатларни расмийлаштиришга ва уларнинг мазмунига қўйиладиган

талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

23. Ариза берувчи ўз хоҳишига кўра аккредитация қилиш объектига тааллуқли қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши мумкин.

24. Буюртманомани кўриб чиқиш натижалари бўйича Миллий аккредитация органи томонидан 3 иш куни мобайнида аккредитация қилиш ишларини ўтказиш ёки ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда уларни пухталаштиришга қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинади.

25. Аккредитация қилиш ишларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Миллий аккредитация органи экспертиза бўйича хизматлар учун тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 20 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатларнинг экспертизадан ўтказилишини таъминлайди. Экспертиза натижалари хулоса билан расмийлаштирилади.

26. Экспертиза Миллий аккредитация органи мутахассислари томонидан ёки унинг топшириғи бўйича бошқа ваколатли ташкилотларнинг сифат бўйича эксперт-аудитори томонидан амалга оширилади. Экспертиза бошқа ваколатли ташкилотларнинг сифат бўйича эксперт-аудитори томонидан ўтказилган тақдирда тўлов ариза берувчи томонидан ушбу ташкилотга ўтказилади.

27. Экспертиза натижалари салбий бўлган тақдирда Миллий аккредитация органи 3 иш куни мобайнида ариза берувчига унинг аккредитация қилиш шартларига номувофиқлиги тўғрисида асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма билдиришнома юборади. Бунда ариза берувчига кўрсатилган номувофиқликларни 20 иш куни мобайнида бартараф этиш ва ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиш имконияти берилади.

28. Миллий аккредитация органининг билдиришномасида кўрсатилган номувофиқликлар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш номувофиқликларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 10 иш кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади. Буюртманомана такрорий кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Белгиланган муддат тугагандан кейин берилган буюртманомана янгидан берилган ҳисобланади.

29. Такрорий экспертиза Миллий аккредитация органи ёки дастлабки экспертизани ўтказган бошқа ваколатли ташкилотларнинг сифат бўйича эксперт-аудитори томонидан ўтказилади.

30. Такрорий экспертиза натижаси салбий бўлган тақдирда Миллий аккредитация органи ариза берувчини унинг аккредитация қилиш шартларига номувофиқлиги сабабли аккредитация қилишнинг рад этилгани тўғрисида 3 иш куни мобайнида хабардор қилади.

31. Экспертизанинг ижобий натижалари бўйича Миллий аккредитация органи аккредитация қилиш объектининг мувофиқлигини баҳолаш учун комиссияни (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) 10 иш куни мобайнида тузади, объектнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш ҳамда унинг:

буюртманомада тақдим этилган ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига ва аккредитация қилишнинг белгиланган шартларига мувофиқлигини;

кўрсатилган функцияларни бажаришга қодирлигини баҳолаш комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади.

32. Комиссия Миллий аккредитация органи раҳбарининг буйруғи билан тайинланади. Буйруқда комиссиянинг таркиби, аккредитация қилиш объектининг мувофиқлигини баҳолашнинг мақсади, санаси, муддати ва жойи кўрсатилади.

33. Комиссия раиси сифат бўйича экспертлар-аудиторлар орасидан тайинланади.

34. Комиссияни тузишда комиссия таркибига киритиладиган шахсларнинг ҳолисона баҳолашни ўтказиш учун зарур бўладиган лаёқати, билимлари ва кўникмалари ҳисобга олинади.

35. Зарур бўлган тақдирда комиссияга техник экспертлар жалб этилиши мумкин. Техник экспертлар сифат бўйича эксперт-аудитор раҳбарлигида ишлаши керак.

36. Комиссия ишларининг дастури Миллий аккредитация органининг раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан тасдиқланади. Буйруқ ва комиссия ишларининг дастури комиссия баҳолашни ўтказиш учун жўнаб кетгунгача танишиш мақсадида ариза берувчига тақдим этилади.

37. Комиссия ишларининг давом этиши 20 иш кунидан ошмаслиги керак. Аккредитация қилиш объектининг мувофиқлигини баҳолаш натижалари ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ баҳолаш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

38. Ариза берувчи комиссия ҳулосаларига рози бўлмаган тақдирда рози эмаслиги тўғрисида ёзма эътироз тақдим этиши мумкин, у баҳолаш далолатномасига илова қилинади.

39. Ўтказилган баҳолаш яқунлари бўйича Миллий аккредитация органи масаланинг 5 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгашида кўриб чиқилишини таъминлайди.

40. Миллий аккредитация органи 3 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгашининг тавсиялари асосида аккредитация қилиш тўғрисида ёки ариза берувчига аниқланган номувофиқликни бартараф этиш учун 30 иш кунидан иборат бўлган муддат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

41. Ариза берувчи томонидан номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар белгиланган муддатларда тақдим этилган тақдирда комиссия Миллий аккредитация органининг буйруғи асосида 5 иш кунидан ошмайдиган муддатда камчиликларни бартараф этишнинг ҳолатини ўрганади ва назорат далолатномасини расмийлаштиради.

42. Ўтказилган такрорий баҳолаш яқунлари бўйича ҳужжатлар комиссия томонидан тақдим этилгандан кейин масала 5 иш куни мобайнида Аккредитация қилиш кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

43. Миллий аккредитация органи 5 иш куни мобайнида Аккредитация

қилиш кенгаши тавсиялари асосида аккредитация қилиш ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

44. Аниқланган номувофикликларни белгиланган муддатда бартараф этиш таъминланмаган тақдирда Миллий аккредитация органи аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

45. Аккредитацияни ўтказиш муддати аккредитация қилишга берилган буюртманома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 130 иш кунидан ошмаслиги керак.

3-§. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бериш

46. Аккредитация қилиш тўғрисидаги қарор ижобий бўлган тақдирда Миллий аккредитация органи ариза берувчига аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани 3 иш куни мобайнида беради.

47. Учинчи томон ҳисобланадиган синов ва/ёки ўлчов лабораторияларига (марказларига) техник жиҳатдан малакалилик ва мустақиллик юзасидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳномалар берилади. Биринчи ёки иккинчи томоннинг синов ва/ёки ўлчов лабораторияларига (марказларига) фақат техник жиҳатдан малакалилик учун аккредитация тўғрисидаги гувоҳномалар берилади.

48. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Мувофикликни баҳолаш органларининг давлат реестрида (кейинги ўринларда Давлат реестри деб аталади) рўйхатдан ўтказилади.

49. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномада ёки унга иловада аккредитация қилинганликнинг соҳаси кўрсатилади.

50. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома 5 йил муддатга берилади.

51. Аккредитация қилиш объектининг фаолиятини аккредитациянинг белгиланган шартларига мувофиклик юзасидан инспекция назоратидан ўтказиш Миллий аккредитация органи томонидан ушбу Низомнинг IV бобига мувофик амалга оширилади.

III боб. Аккредитация қилиш соҳасини ўзгартириш

1-§. Аккредитация қилиш соҳасини кенгайтириш

52. Аккредитация қилиш соҳасини кенгайтиришга талабгор бўлган мувофикликни баҳолаш бўйича аккредитация қилинган орган ва/ёки метрологик хизмат Миллий аккредитация органига аккредитация қилиш соҳасини кенгайтириш юзасидан ушбу Низомга 2-иловага мувофик буюртманома юборади.

53. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари ва сертификатлаштириш бўйича инспекция органлари учун:

аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасини белгилайдиган мувофикликни баҳолаш объектлари рўйхати;

сифат бўйича қўлланмага мувофиқликни тасдиқлаш ишларини бажариш қоидалари бўйича ва сифат менежменти тизими тартиб-таомиллари бўйича қўшимча;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда белгиланган аккредитация қилиш соҳасига қўшимча равишда киритиладиган баҳоланаётган объектлар асосий кўрсаткичларининг аксарият қисмини аниқлашни таъминлайдиган, ўзининг белгиланган тартибда аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази)нинг мавжудлиги тўғрисида ахборот;

аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасидаги баҳоланаётган объектлар асосий кўрсаткичларининг етишмаётган қисмини аниқлашни таъминловчи аккредитация қилинган ўзга синов лабораториялари (марказлари) билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимларнинг мавжудлиги;

аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ходимлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) хизматлар, менежмент тизимлари ва ходимларни сертификатлаштириш органлари учун:

аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасини аниқлайдиган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхати;

сифат бўйича қўлланмага мувофиқликни тасдиқлаш бўйича ишларни бажариш қоидалари ва сифат менежменти тизими тартиб-таомиллари бўйича қўшимча;

аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ходимлар тўғрисидаги маълумотлар;

в) синов ва/ёки ўлчов лабораториялари (марказлари), метрологик хизматлар учун:

синов усулларининг (методикаларининг) ва/ёки аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасини аниқловчи ўлчовлар турларининг аккредитация қилишга сўралаётган рўйхати;

синов ва/ёки ўлчов лабораторияси (маркази)нинг ва метрологик хизматининг паспорти;

г) юкни ортишдан олдинги ва/ёки юкни тушириш вақтидаги инспекцияни ўтказиш бўйича инспекция органлари учун:

аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасини аниқлайдиган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхати;

мувофиқликни тасдиқлаш ва сифат менежменти тизими тартиб-таомиллари бўйича ишларни бажариш қоидаларига қўшимча;

мувофиқликни баҳолаш органлари тўғрисидаги маълумотлар, ариза берувчи улар билан аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасини аниқловчи баҳолаш объектларини юкни ортишдан олдин ва/ёки юкни тушириш вақтидаги инспекцияни ўтказишда ишлашни мўлжаллайди;

аккредитация қилишнинг қўшимча соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ходимлар тўғрисидаги маълумотлар.

54. Аккредитация қилиш соҳасини кенгайтириш ушбу Низомнинг 23 — 44-бандларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

55. Мувофиқликни баҳолаш органини ва/ёки метрологик хизматни

аккредитация қилиш соҳасини кенгайтиришда Миллий аккредитация органи томонидан уларни аккредитация қилиш соҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

2-§. Аккредитация қилиш соҳасини қисқартириш

56. Аккредитация қилиш соҳасини қисқартириш Миллий аккредитация органининг қарори билан қуйидагилар асосида амалга оширилади:

мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг аккредитация қилиш соҳасини қисқартириш тўғрисидаги аризаси;

мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат фаолиятининг инспекция назоратини ўтказиш натижалари.

57. Мувофиқликни баҳолаш органини ва/ёки метрологик хизматни аккредитация қилиш соҳасини қисқартиришда Миллий аккредитация органи томонидан уларни аккредитация қилиш соҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Аккредитация қилиш соҳасини қисқартирганлик учун тўлов ундирилмайди.

IV боб. Инспекция назоратини ўтказиш тартиби

1-§. Умумий қоидалар

58. Аккредитация қилишда белгиланган талабларга мувофиқликни тасдиқлаш мақсадида мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш Миллий аккредитация органи томонидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг бутун амал қилиш муддати мобайнида амалга оширилади.

59. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қўлланиши, сифат менежменти жорий этилган тизимининг самарадорлиги, амалга оширилаётган фаолиятнинг аккредитация қилишнинг тасдиқланган соҳасига мувофиқлиги, сертификатлаштириш, инспекция назорати ва синовлар бўйича бажарилган ишлар маҳсулотлар, хизматлар, ходимларни ҳамда менежмент тизимларини ва инспекция органларини сертификатлаштириш органлари фаолиятининг инспекция назоратини ўтказиш объектлари ҳисобланади.

60. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қўлланиши, сифат менежменти жорий этилган тизимининг самарадорлиги, аккредитация қилишнинг белгиланган соҳасида амалга оширилаётган фаолиятнинг мувофиқлиги, синов ва ўлчовлар вақтида расмийлаштирилган протоколлар, ўлчов воситаларини синов ҳамда ўлчов ва синовлар воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш сертификатлари синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари) ва метрологик хизмат фаолиятининг инспекция назоратини ўтказиш объектлари ҳисобланади.

61. Мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат фаолиятининг инспекция назорати аккредитация қилиш тўғрисидаги битимлар асосида, жойига борган ҳолда, ҳар йили кўпи билан бир марта, Миллий аккредитация органи раҳбари томонидан ҳар йили тасдиқланадиган инспекция назоратининг режа-жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

62. Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат фаолиятининг инспекция назоратини ўтказиш ишлари учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

63. Мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат фаолиятининг режадан ташқари инспекция назоратини ўтказиш Миллий аккредитация органига аккредитация қилиш шартлари бузилишининг ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолатлари ёки асосланмаган ва ноқонуний ҳаракатлар, шу жумладан тижорат сири ҳисобланадиган маълумотларнинг ошкор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар тушган тақдирда амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат фаолиятининг режадан ташқари инспекция назорати ўтказилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

2-§. Инспекция назоратини ўтказиш

64. Инспекция назорати ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ схема бўйича ўтказилади.

65. Миллий аккредитация органи раҳбарининг буйруғи мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат фаолиятининг инспекция назоратини ўтказиш учун асос ҳисобланади, ушбу буйруқда инспекция назоратини амалга оширувчи комиссиянинг таркиби ва уни ўтказишнинг аниқ муддатлари кўрсатилади, шунингдек ишларнинг объектлари, рўйхати ва ҳажми кўрсатилган инспекция назоратининг дастури тасдиқланади.

Инспекция назоратини ўтказиш муддати мувофиқликни баҳолаш органи ва /ёки метрологик хизмат билан келишилган бўлиши ва 20 иш кунидан ошмаслиги керак.

66. Комиссияни сифат бўйича эксперт-аудитор бошқаради. Мувофиқликни баҳолаш органини ва метрологик хизматни аккредитация қилиш соҳасига боғлиқ ҳолда комиссия таркибига инспекция назоратини ўтказишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича малакали мутахассислар (сифат бўйича эксперт-аудиторлар ва (ёки) синовлар турлари бўйича техник экспертлар, тайёрловчиларнинг, назорат қилиш органларининг, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг, илмий-тадқиқот ташкилотларининг вакиллари) кўшимча равишда киритилиши мумкин.

67. Комиссия аъзолари махфийликни таъминлаш бўйича талабларга риоя этишлари керак.

68. Комиссия раҳбари инспекция назорати бошланишидан олдин мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат раҳбарини инспекция на-

зоратининг мақсади ва шартлари, комиссия аъзолари билан таништириши, шунингдек унга, олингани тўғрисида имзо қўйдирган ҳолда, буйруқ ва дастурнинг бир нусхадан тақдим этиши шарт.

69. Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ ўтказиладиган махсулотлар, хизматлар, ходимлар, менежмент тизимларини ва инспекция органини сертификатлаштириш бўйича органлар фаолиятининг инспекция назоратини ўтказишда қўйидагилар текширилади:

а) уларнинг мустақиллиги ва аккредитация шартларининг бажарилиши;

б) аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш (зарур бўлган тақдирда);

в) мувофиқликни баҳолашнинг ўтказилган ишлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги ва мувофиқлиги (буюртманомалар, мувофиқлик сертификатларининг нусхалари, синовлар дастурлари, синовлар протоколлари, ишлаб чиқаришларни текшириш далолатномалари ва бошқалар);

г) мувофиқликни баҳолаш бўйича қарорлар қабул қилишнинг асосланганлиги;

д) мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларнинг натижалари ҳисобини юритиш ва рўйхатдан ўтказиш;

е) жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ҳисобга олиш ва кўриб чиқиш;

ж) техник жиҳатдан тартибга солишга доир тегишли норматив ҳужжатлар билан таъминланганлик, уларнинг амал қилиш муддатлари, уларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритилганлиги;

з) олинган мувофиқлик сертификатларини ва мувофиқлик белгисини қўллашда бузилишларга йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўллаш ҳолатлари;

и) ходимларнинг лаёқатлилиги ва малакасининг бажариладиган функцияларга мувофиқлиги, сертификатлаштириш органининг ходимлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш бўйича фаолияти, лавозим йўриқномаларининг мавжудлиги ва муҳимлиги;

к) сертификатлаштиришга ариза берувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш;

л) улар бўйича қатъий ҳисобот бериладиган бланкаларнинг ҳисоби.

70. Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ ўтказиладиган синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари) ҳамда метрологик хизмат фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш вақтида қўйидагилар текширилади:

а) синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари)нинг, шунингдек метрологик хизматнинг мустақиллиги;

б) синовлар, текширишлар, ўлчаш ва метрологик аттестация протоколларининг ва/ёки сертификатларининг мавжудлиги, тўлиқлиги ва уларни тақдим этиш ҳамда расмийлаштиришнинг тўғрилиги, шунингдек уларни ҳисобга олиш ва сақлаш тизими;

в) ўлчовлар ва синовлар воситаларининг мақбул даражадаги синовла-

рини (ўлчовларини), текширишларни, ўлчовларни ҳамда метрологик аттестациядан ўтказишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар;

г) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳисобга олиш ва кўриб чиқиш;

д) техник жихатдан тартибга солишга доир тегишли норматив ҳужжатлар билан таъминланганлик, уларнинг амал қилиш муддатлари, уларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритилганлиги;

е) ходимларнинг лаёқатлилиги ва малакасининг бажариладиган функцияларга мувофиқлиги, ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш бўйича сертификатлаштириш органининг фаолияти лавозим, йўриқномаларининг мавжудлиги ва долзарблиги;

ж) синовлар (ўлчовлар), текширишлар, метрологик аттестацияни ўтказиш хоналари ва шартларининг техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги;

з) синов ва ўлчов воситалари ва бошқа техник воситалар, шунингдек давлат стандарти намуналари, бошқа тоифалардаги стандарт намуналари, аттестациядан ўтказилган аралашмалар билан таъминланганлик, уларнинг ўз вақтида текшириб кўрилганлиги;

и) синовлар ва ўлчовларни, текширишларни, шунингдек сифат менежменти тизими тартиб-таомилларини регламентловчи техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

к) бошқа синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари) ва метрологик хизматлар, маҳсулотлар, хизматлар, ходимларни, менежмент тизимларини сертификатлаштириш органлари ва инспекция органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш;

л) улар юзасидан қатъий ҳисобот бериладиган бланкаларни ҳисобга олиш;

м) лабораториялараро таққослашларнинг натижалари. Зарурат бўлганда, лабораториялараро таққослашлар ўтказилмаган тақдирда синов ва ўлчов лабораториялари (марказлари)нинг ваколатлилигини тасдиқлаш учун назорат комиссия томонидан синовлар (ўлчовлар), текширишлар, ўлчашни, метрологик аттестациядан ўтказиш талаб қилинишига йўл қўйилади. Назорат синовлари (ўлчовлари) амалга ошириладиган маҳсулотларнинг тури, маҳсулотларнинг текшириладиган тавсифлари, намуналарни (синовларни) тайёрлаш ва танлаб олиш, тавсифномалар маълумотларининг анонимлигини таъминлаш назорат синовлари (ўлчовлар) дастурида белгиланади.

Инспекция назорати давомида номувофиқликлар аниқланганда номувофиқлик тўғрисида протокол расмийлаштирилади.

71. Мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш натижаларига кўра комиссия томонидан мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг аккредитация қилиш шартларига мувофиқлиги ҳақидаги умумий баҳодан иборат бўлган ҳужжат икки нусхада расмийлаштирилади. Унинг биринчи нусхаси мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизматнинг раҳбарига топширилади, иккинчи нусхаси эса Миллий аккредитация органига тақдим

этиш учун комиссия раҳбарида қолади. Инспекция назорати далолатномаси комиссиянинг аъзолари ҳамда мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизматнинг раҳбари томонидан имзоланади. У инспекция назорати натижаларига қўшилмаса, ўзининг алоҳида фикрини баён қилиши мумкин.

72. Миллий аккредитация органи инспекция назорати бўйича натижалар комиссия томонидан тақдим этилгандан кейин 5 иш куни мобайнида Кенгашда масаланинг кўриб чиқилишини таъминлайди.

73. Миллий аккредитация органи 5 иш куни мобайнида Кенгашнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, шунингдек аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани белгиланган тартибда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

**V боб. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш,
унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш ҳамда
уни бекор қилиш**

74. Миллий аккредитация органининг мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг аккредитациядан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш ҳақидаги қарори инспекция назоратининг натижалари ижобий бўлганда қабул қилинади.

75. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши инспекция назорати вақтида аниқланган номувофиқликлар бартараф этилмаган тақдирда тўхтатиб турилиши мумкин.

76. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Миллий аккредитация органи ёки суд томонидан тўхтаб турилади. Миллий аккредитация органи томонидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга, суд томонидан эса 10 иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

77. Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори у қабул қилинган кундан 3 кундан бошлаб кечикмай ёзма шаклда мувофиқликни баҳолаш органига ва метрологик хизматга етказилади. Суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори мувофиқликни баҳолаш органига, метрологик хизматга ва Миллий аккредитация органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

78. Мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат томонидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлигининг тасдиғи олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган Миллий аккредитация органи ва суд томонидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тиклаш ҳақида қарор қабул қилинади.

79. Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят аризаси бериш мумкин. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши асосиз тўхтатиб қўйилганлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Миллий аккредитация органи мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат олдида уларга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

80. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилганлиги ҳақидаги ариза билан мурожаат қилганда;

юридик шахс — мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат тугатилганда — улар тугатилган ёки уларнинг фаолияти тўхтатилган вақтдан бошлаб, уларнинг қайта ташкил этилиши натижасида — улар қайта ташкил этилган вақтдан бошлаб, уларнинг қайта ўзгартирилиши бундан мустасно;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар Миллий аккредитация органи ёки суд томонидан белгиланган муддатда мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат томонидан бартараф этилмаганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат томонидан мунтазам ёки бир неча маротаба қўпол тарзда бузилганда;

Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақидаги қарорининг қонуний эмаслиги аниқланганда;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда.

81. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш Миллий аккредитация органи томонидан амалга оширилади, ушбу Низомнинг 82-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

82. Ушбу Низом 80-бандининг тўртинчи — олтинчи хатбошиларда кўрсатилган ҳолатларда аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома амал қилишининг тўхтатилиши суд қарорига қўра амалга оширилади.

83. Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори у қабул қилинган кундан 3 кундан кечикмай ёзма шаклда мувофиқликни баҳолаш органига ва метрологик хизматга етказилади. Суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори мувофиқликни баҳолаш органига, метрологик хизматга ва Миллий аккредитация органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

84. Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун

мобайнида аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Миллий аккредитация органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

85. Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят аризаси бериш мумкин. Суд томонидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши асоссиз тўхтатиб қўйилганлиги эътироф этилган тақдирда Миллий аккредитация органи мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат олдида уларга етказилган зарар миқдоридан жавоб беради.

86. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши уни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади.

87. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома қўйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақида ариза билан мурожаат қилганда; аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги аниқланганда.

88. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ушбу Низом 87-бандининг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда суднинг қарорига кўра, ушбу Низом 87-бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда эса — Миллий аккредитация органининг қарорига кўра амалга оширилади.

89. Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги қарори у қабул қилинган кундан 3 кундан кечикмай ёзма шаклда мувофиқликни баҳолаш органига ва метрологик хизматга етказилади. Суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги қарори мувофиқликни баҳолаш органига, метрологик хизматга ва Миллий аккредитация органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

90. Миллий аккредитация органининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги қарори мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Миллий аккредитация органига қайтарилиши, Давлат реестридан чиқарилиши ва йўқ қилиниши керак.

91. Суднинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги қарори қабул қилинганда аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома берилган кундан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади.

92. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилгандан кейин ва/ёки у бекор қилингандан кейин аккредитациядан ўтиш учун такрорий ариза аккредитация талабларига тўғри келмаган номувофиқликлар бартараф этилгандан кейин, бироқ аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилгандан кейин ва/ёки у бекор қилингандан кейин кўпи билан 6 ойдан кейин берилиши мумкин. Бунда ариза берувчи томонидан илгари аниқланган номувофиқликлар ва/ёки қоидабузарликларни бартараф

этиш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

93. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар Миллий аккредитация органи томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

94. Аккредитациянинг амалдаги иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги сайтида жойлаштирилади.

**VI боб. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, номи,
юридик манзили ёки жойлашган жойи ўзгарганда унинг
ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби**

95. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, номи, юридик манзили ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат юридик шахс қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин 10 иш кунидан ошмайдиган муддатда илгари берилган аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхасини илова қилиб, тегишли тартиб-таомилдан ўтказилганлиги тўғрисида Миллий аккредитация органига ариза бериши (аккредитациядан ўтказилганлик тўғрисидаги янги гувоҳномани расмийлаштириши ёки такроран аккредитация қилдириши) шарт.

96. Ариза берилган вақтдан бошлаб ва аккредитациядан ўтказилганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома расмийлаштирилгунга қадар мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат ўз фаолиятини илгари берилган аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома асосида амалга оширади.

97. Буюртманома тушганда Миллий аккредитация органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот юзасидан ўзаро ҳамкорлик орқали бошқа давлат органларида ва ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотни мустақил равишда олади.

98. Агар ариза берувчи илгари аккредитациядан ўтказилган мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизматнинг ҳуқуқий вориси бўлмаса, ҳужжатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ кейинги тартиб-таомиллар ушбу Низом II бобининг 2-параграфида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

99. Аккредитациядан ўтказилган маҳсулот, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаштириш органи ва инспекция органининг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда аккредитация тўғрисидаги янги гувоҳнома аккредитация ўтказилмасдан расмийлаштирилади.

100. Синов ва ўлчов лабораторияси (маркази) ёки метрологик хизматнинг жойлашган жойи ўзгарганда ушбу Низом II бобининг 2-параграфида назарда тутилган тартибда улар қайтадан аккредитациядан ўтказилади.

101. Янгидан расмийлаштирилган аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 кун мобайнида Миллий аккредитация органи томонидан берилади.

VII боб. Аккредитация қилиш материалларини долзарблаштириш

102. Аккредитация қилиш материалларини долзарблаштириш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилганда ушбу Низомнинг 19 — 21-бандларига мувофиқ тақдим этилган мувофиқликни баҳолаш органининг ва метрологик хизматнинг ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатлари ўрнига техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги янги норматив ҳужжат амалга киритилганда;

ходимлар таркиби ўзгарганда;

ўлчов воситалари ва синов воситалари алмаштирилганда.

103. Аккредитация қилиш материалларини долзарблаштиришда мувофиқликни баҳолаш органи ва метрологик хизмат Миллий аккредитация органига долзарблаштириш сабабларини кўрсатган ҳолда, ўзгартиришлар киритилган ҳужжатларни илова қилиб икки нусхада буюртманомга беради.

104. Миллий аккредитация органи тақдим этилган ҳужжатларни 15 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва илгари тасдиқланган ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритади ёки уларнинг янги таҳрирдаги матнини тасдиқлайди.

Аккредитация қилиш материалларини долзарблаштирганлик учун тўлов ундирилмайди.

VIII боб. Яқунловчи қоидалар

105. Миллий аккредитация органининг қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

106. Аккредитация қилганлик, инспекция назоратини ўтказганлик, аккредитация қилиш соҳасини кенгайтирганлик ва аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштирганлик ишларига ҳақ тўлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ Миллий аккредитация органи томонидан белгиланади.

107. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Аккредитация қилиш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Аккредитация олишга талабгорлик қилувчи юридик шахс — Ариза берувчи	Аккредитация олиш учун зарур бўлган тегишли хужжатларни тайёрлайди. Зарур хужжатлар илова қилинган буюртманомани бевосита, олинганлиги тўғрисида билдиришнома олинган ҳолда почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда Миллий аккредитация органига тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Миллий аккредитация органи	1. Аккредитация қилишга тақдим этилган буюртманомани ва хужжатларни кўриб чиқади ҳамда: аккредитация қилиш бўйича ишларни бажариш; хужжатлар бут бўлмаганида уларни пухта ишлаш учун қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. 2. Экспертиза натижалари бўйича хулосани расмийлаштирган ҳолда хужжатлар комплектини экспертизадан ўтказиши. 3*. Экспертизанинг натижаси салбий бўлганда ариза берувчининг аккредитация шартларига номувофиқлиги сабабларини кўрсатган ҳолда унга ёзма билдиришнома юборади ва аниқланган номувофиқларни бартараф этиш учун 30 кундан ортиқ бўлмаган муддат беради. 4*. Экспертиза натижалари бўйича белгиланган номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдоран кўриб чиқади.	3 иш куни мобайнида Тўлов тўланган кундан бошлаб 20 иш куни мобайнида 3 иш куни мобайнида Хужжатлар тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида
3-босқич	Миллий аккредитация органи	1. Экспертизанинг ижобий натижалари бўйича аккредитация объектини жойнинг ўзида баҳолаш учун комиссия тузади. 2. Жойнинг ўзида баҳолайди ва натижалар бўйича баҳолаш далолатномасини расмийлаштиради.	10 иш куни мобайнида 20 иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда
4-босқич	Миллий аккредитация органи Ариза берувчи Миллий аккредитация органи	1. Баҳолаш якунлари Аккредитация қилиш кенгашида кўриб чиқишини таъминлайди. 2. Аккредитация қилиш кенгаши тавсияларини ҳисобга олган ҳолда: аккредитация тўғрисида; номувофиқликларни бартараф этиш учун белгиланган муддатни бериш тўғрисида қарор қабул қилади. 3*. Аниқланган номувофиқликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатларни тақдим этади. 4*. Номувофиқликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги хужжатларни кўриб чиқади ва жойнинг ўзига чиқиб назорат далолатномасини расмийлаштиради.	5 иш куни мобайнида 3 иш куни мобайнида 30 иш куни мобайнида Хужжатлар тушган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
		5*. Баҳолаш якунлари Аккредитация қилиш кенгашида кўриб чиқилишини таъминлайди; 6*. Аккредитация қилиш кенгаши тавсияларини ҳисобга олган ҳолда: аккредитация қилиш тўғрисида; аккредитацияни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	
5-босқич	Миллий аккредитация органи	Аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради.	3 иш куни мобайнида

* Бандлар белгиланган талабларга номувофиқлик аниқланган ва уни бартараф этиш учун муддат бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бажарилади.

Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Миллий аккредитация органи раҳбарига

**Аккредитацияга (аккредитация соҳасини кенгайтиришга)
БУЮРТМАНОМА**

1. _____ уни
(ариза берувчининг номи)

_____ сифатида аккредитациядан
(аккредитация объекти)

ўтказишни илтимос қилади.

2. Манзил, телефон, факс, электрон почта, ҳисоб-китоб рақами , КТУТ, СТИР _____

3. Раҳбарнинг Ф.И.О., телефони _____

4. Масъул шахснинг Ф.И.О., телефони _____

Аккредитация учун тақдим этилган ҳужжатлар:

1. _____
2. _____

3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

Тўлов кафолатланади.

Ариза берувчи _____
(ташкилотнинг номи) (имзо) (Ф.И.О.)

Мувофиқликни баҳолаш органларини ва
метрологик хизматларни аккредитация
қилиш ҳамда инспекция назоратини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

_____ ни
(ариза берувчининг номи)

_____ сифатида
(аккредитация объекти)

Баҳолаш ДАЛОЛАТНОМАСИ

_____ асосида
(баҳолашни ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, санаси)

20 йил «___» _____ дан 20 йил «___» _____ гача бўлган даврда.

Қуйидаги таркибдаги Комиссия:

Комиссия раҳбари _____
(Ф.И.О., лавозими)

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О., лавозими)

_____ (ариза берувчининг номи)

ни аккредитациядан ўтказиш мақсадида баҳолашни ўтказди.

Баҳолашда: _____ аниқланди.
Комиссия _____
(Комиссиянинг тавсияси)

_____ ни тавсия қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Хулоса: _____
(ариза берувчининг аккредитациясига нисбатан комиссиянинг хулосаси)

Комиссия раиси _____
(имзо)

Комиссия аъзолари _____
(имзо)

Мувофиқликни баҳолаш органларини ва метрологик хизматларни аккредитация қилиш ҳамда инспекция назоратини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Инспекция назоратини ўтказиш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Миллий аккредитация органи	Инспекция назоратини ўтказишнинг режа-жадвали асосида: Комиссия таркибини ва ўтказиш муддатларини кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради; Инспекция назоратини ўтказиш дастурини тасдиқлайди.	Режа-жадвалга мувофиқ (кўпи билан 1 йилда бир марта)
2-босқич	Миллий аккредитация органи	Жойнинг ўзига чиқиб инспекция назоратини ўтказди ва натижалар бўйича инспекция назорати далолатномасини расмийлаштиради.	20 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда
3-босқич	Миллий аккредитация органи	1. Баҳолаш яқунлари Аккредитация қилиш кенгашида кўриб чиқишини таъминлайди; 2. Аккредитация қилиш кенгашининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, шунингдек аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.	5 иш куни мобайнида 5 иш куни мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган
мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон
Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган ҳамда хорижий мамлакатларнинг мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни, синовлар протоколларини ва метрологик назорат натижаларини (турини тасдиқлаш, текшириш, метрологик аттестациядан ўтказиш ва ўлчов мақсадидаги синовлар натижаларини), ўлчов воситаларини, синов воситаларини, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини (кейинги ўринларда стандарт намуналар деб аталади), шунингдек ўлчовларни бажариш методикаларини эътироф этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган маҳсулотлар, ўлчов воситалари, синов воситалари ва стандартлар намуналарига, шунингдек давлат метрологик назоратини татбиқ этиш соҳасида қўллаш мумкин бўлган ўлчовларни бажариш методикасига татбиқ этилади.

3. Мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни, синов протоколларини ва метрологик назорат натижаларини эътироф этиш импорт қилувчилар учун қулай шароитлар яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

4. Мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни ва синов протоколларини эътироф этишни «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари (кейинги ўринларда сертификатлаштириш органлари деб аталади) белгиланган тартибда амалга оширади.

5. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган метрологик назорат натижаларини эътироф этишни «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган давлат метрологик хизмати органлари (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) тақдим этиладиган хужжатларни экспертиза қилиш йўли билан амалга оширади.

6. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида берилган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик тўғрисидаги декларациялар ва синов протоколлари қуйидаги ҳолатларда эътироф этилади:

мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларациялар-

ни ва синов протоколларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида халқаро битим мавжуд бўлганда;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ҳамда ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган мамлакатларда ишлаб чиқарилган технологик асбоб-ускуналарни ва уларнинг қисмларини олиб киришда;

олиб кириладиган маҳсулотларнинг сертификатлаштириш синовларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган синов лабораторияси мавжуд бўлмаганда.

7. Ўлчов воситаларини, синов воситаларини ва стандарт намуналарни (шу жумладан технологик асбоб-ускуналар комплектига кирадиганларни), мувофиқлик сертификатларини ва мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни эътироф этиш фақат ўлчов воситаларининг давлат реестрига киритилган ўлчов воситалари, синов воситалари ва стандарт намуналар учун амалга оширилади.

II боб. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида берилган мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни ва синов протоколларини эътироф этиш тартиби

8. Мувофиқлик сертификатларини ва мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни эътироф этиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

9. Мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни эътироф этиш қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ мувофиқликни баҳолаш уларнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан амалга оширилиши мумкин бўлган маҳсулотлар турларига нисбатан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида берилган мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларини эътироф этиш учун ариза берувчи (жисмоний ёки юридик шахс — импорт қилувчи, ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи ёхуд уларнинг вакили) томонидан ушбу Низомга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ шакл бўйича сертификатлаштириш органига буюртманома берилади.

11. Мувофиқлик сертификатини ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этиш учун буюртманомага қўйидагилар илова қилинади:

эътироф этиладиган ҳужжатнинг асл нусхаси ёки унинг тасдиқланган нусхаси (сертификатнинг нусхаси нотариус томонидан тасдиқланиши ёхуд сертификатнинг асл нусхасини сақловчининг, ишлаб чиқарувчининг расмий вакилининг ёки сертификатни берган органнинг муҳри билан тасдиқланиши мумкин);

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги маҳсулотга норматив ҳужжатнинг нусхаси (агар норматив ҳужжат халқаро ва/ёки давлатларaro стандартлар тоифасига кирмаса ёки норматив ҳужжатларнинг давлат фондида мавжуд бўлмаса);

ваколатли орган томонидан берилган ўлчов воситаларининг турини тасдиқлаш сертификатининг нусхаси, ўлчов воситалари турининг тавсифи билан биргаликда (сертификатлаштирилган махсулот ўлчов воситаси ҳисобланганда ёки сертификатлаштирилган махсулот таркибида ўлчов воситалари мавжуд бўлганда);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган норматив ҳужжатда санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария талаблари ёки сертификатда ёхуд декларацияда кўрсатилган махсулотга нисбатан талаблар мавжуд бўлганда санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларининг ёки экология экспертизаси хулосасининг нусхаси (эътироф этилаётган ҳужжатда экспертизаларнинг ушбу турларини ўтказиш тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаганда);

Товарга илова қилинадиган ҳужжатнинг нусхаси, унда товарнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келиши тўғрисидаги белги қўйилади (транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура).

12. Мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этиш учун буюртманомага ишлаб чиқарувчи ташкилотда барқарор сифатли махсулот ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган кўйидаги ҳужжатлар қўшимча равишда илова қилинади:

синовларни ўтказишнинг даврийлигига риоя этишнинг тасдиқномаси билан биргаликда заводда ёки аккредитация қилинган синов лабораторияларида махсулотни синашнинг охирги протоколлари нусхаси;

хом ашё, материаллар, бутловчи буюмларни синаш протоколлари;

махсулот ишлаб чиқарувчининг сифат менежменти тизимида сертификат.

13. Сертификатлаштириш органи 2 иш кун мобайнида, тез бузиладиган махсулотлар учун — 1 иш куни мобайнида буюртманомани кўриб чиқади, тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва уларни тўлдиришнинг тўғриллигини таҳлил қилади, шунингдек махсулотнинг товарга қўшиб юборилган ҳужжатларининг спецификацияси ва маркировкасининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун етарли бўлган белгилари, параметрлари, кўрсаткичлари бўйича махсулотни идентификациялашни амалга оширади.

14. Эътироф этилаётган ҳужжатда санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертизани ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда қўшимча равишда санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария синовларини ва экологик экспертизаларни ўтказиш талаб қилинмайди.

15. Тақдим этиладиган ҳужжатлар таҳлилининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлик сертификатини ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этишни амалга оширишда сертификатлаштириш органи қўшимча синовлар ўтказишнинг зарурлигини белгилаши мумкин, агар мувофиқлигига эътироф этилаётган ҳужжат берилган норматив ҳужжат талаблари Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган худди шундай талабларга тўлиқ ҳажмда мувофиқ бўлмаса.

16. Ҳужжатларни таҳлил қилиш ва махсулотни идентификациялаш на-

тижалари бўйича сертификатлаштириш органи 1 иш куни мобайнида мувофиқлик сертификатини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этиш, қўшимча синовлар ўтказишнинг зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади ёки эътироф этишни рад этишнинг расман асосланган ҳужжатини беради.

17. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида берилган мувофиқлик сертификатини ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этиш уни Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати юзасидан қайта расмийлаштириш ва сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

18. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида берилган мувофиқлик сертификатининг, мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиш муддати ва кенг кўламда ишлаб чиқаришга расмийлаштирилган ҳужжатнинг муддати ўтган бўлса, маҳсулот эса унинг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилган бўлса, у ҳолда ушбу сертификат эътироф этиш учун тақдим этилиши мумкин.

19. Хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган синов лабораторияларида бажарилган синовлар натижалари тўғрисидаги протоколлар ёки шунга ўхшаш ҳужжатлар эътироф этилади.

20. Синов протоколларини эътироф этиш маҳсулотларни сертификатлаштириш ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини ўтказишда сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади.

21. Синов протоколлари ариза берувчида ушбу ҳужжатларнинг асл нусхалари ёки уларнинг хорижий синовларни ўтказган хорижий синов лабораториясининг ёки сақловчиси ҳисобланадиган ташкилотнинг ёхуд нотариуснинг муҳри билан тасдиқланадиган нусхалари мавжуд бўлган тақдирда эътироф этилади.

22. Синов протоколларини эътироф этишда протоколда келтирилган синовлар талаблари ва натижаларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги таҳлил қилинади.

23. Таҳлил натижалари бўйича сертификатлаштириш органи сертификатлаштиришда ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни рўйхатдан ўтказишда синовлар протоколини ҳисобга олади ёхуд 1 иш куни мобайнида ариза берувчига протоколни эътироф этишни рад этишнинг асосланган сабаблари кўрсатилган ҳужжатни юборади.

24. Мувофиқлик сертификатини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни ва синовлар протоколини эътироф этиш мақсадида тақдим этиладиган ҳужжатлар давлат тилида ёки рус тилида бўлиши керак. Агар улар бошқа тилларда баён қилинган бўлса, у ҳолда ҳужжатларга ишончилиги учун ариза берувчи жавоб берадиган айнан ўхшаш таржима илова қилинади.

**III боб. Ўлчовлар воситаларини, синовлар воситаларини,
стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини
метрологик назорат қилиш натижаларини эътироф
этиш тартиби**

25. Метрологик назорат натижаларини эътироф этиш ушбу Низомга 5 — 7-иловаларга мувофиқ схемалар бўйича амалга оширилади ва қуйидаги тартибда қўлланади:

I схема — Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида 1992 йил 13 мартдаги Хукуматлараро битим доирасида Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгашнинг (кейинги ўринларда ДК деб аталади) давлатлараро стандартлаштириш қоидаларига мувофиқ;

II схема — Метрологик назорат натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисидаги икки томонлама хукуматлараро (идоралараро) битимлар доирасида;

III схема — Импорт қилинаётган ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини Ўзбекистон Республикасида метрологик назорат қилиш имконияти бўлмаган тақдирда.

26. I ва II схемалар бўйича эътироф этиш ишлаб чиқарувчи мамлакатда метрологик назорат ўтказилган тақдирда амалга оширилади.

27. Метрологик назорат натижаларини эътироф этиш учун ариза берувчи ҳужжатларни давлат тилида ёки рус тилида тақдим этиши керак. Агар ҳужжатлар бошқа тилларда баён қилинган бўлса ариза берувчи уларнинг давлат тилидаги ёки рус тилидаги айнан ўхшаш таржимасини қўшимча равишда тақдим этиши керак.

Таржиманинг ишончлилиги ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун ариза берувчи жавоб беради.

**1-§. Метрологик назорат натижаларини 1-схема бўйича
эътироф этиш**

28. Метрологик назорат натижаларини эътироф этиш ДКнинг Давлатлараро стандартлаштириш қоидаларида белгиланган шартларга ва тартибга мувофиқ амалга оширилади.

29. Экспортдан ва ўлчов воситалари, синов воситалари, стандарт намуналар ва ўлчовларни бажариш методикаларининг метрологик натижаларини эътироф этишдан манфаатдор бўлган ташкилот (ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи) ваколатли органга ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг метрология бўйича миллий органи орқали ДКнинг Давлатлараро стандартлаштириш қоидаларида белгиланган ҳужжатларни тақдим этади.

30. Ваколатли орган буюртманомани кўриб чиқади ва тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади, уларнинг натижалари бўйича 3 иш куни мобайнида эътироф этиш ишларини ўтказиш ёки ҳужжатлар ДКнинг Давлат-

лараро стандартлаштириш қоидалари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда уларни пухталаштириш учун қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади.

31. Ваколатли орган ДКнинг Давлатлараро стандартлаштириш қоидаларида кўрсатилган метрологик назоратни ўтказиш шартларининг бажарилишини текширишга ҳақлидир.

32. Метрологик назорат натижаларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилишда «Ўзстандарт» агентлиги 5 иш куни мобайнида эътироф этишдан ўлчов воситалари, синов воситалари, стандарт намуналар ва ўлчовларни бажариш методикаларини давлат реестрига киритади, ваколатли орган ушбу Низомга 9 — 14-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича метрологик назорат натижаларини эътироф этиш сертификатини расмийлаштиради.

33. Ўлчов воситалари турини тасдиқлаш мақсадида синов натижаларини эътироф этишда шунингдек ушбу ўлчов воситаларининг дастлабки текшириш натижаларини эътироф этиш ҳам таъминланади.

34. Ваколатли орган уларнинг метрологик назоратлари натижалари қуйидаги ҳолатларда эътироф этилган ўлчов воситаларини навбатдан ташқари текширишни тайинлашга ҳақлидир:

текширишлар орасида тузатишлар киритиш зарур бўлганда:

ўлчов воситаларининг қўллашга яроқлилигини тасдиқлаш зарур бўлганда (ўлчов воситаларининг фойдаланиладиган идиши шикастланган бўлса ёки ўлчов воситаларининг дастлабки текшируви вақтидан кейин текширишлар оралигидаги муддатнинг ярмидан кўпи ўтган бўлса);

текширув тамғасининг (пломбанинг) изи шикастланган бўлса ёки ўлчов воситаларининг дастлабки текширувдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса.

35. Импорт қилинадиган ўлчов воситалари туркуми орасидан танлаб олинган ўлчов воситалари навбатдан ташқари текширувдан ўтказилади. Текширув натижалари салбий бўлган тақдирда ўлчов воситаларининг импорт қилинаётган барча туркумлари текширувдан ўтказилади.

Барча туркумларни текшириш натижалари салбий бўлган тақдирда ваколатли орган метрологик назорат натижаларини эътироф этиш сертификатининг амал қилишини тўхтатади ва ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг метрология бўйича миллий органига тегишли маълумотни 2 иш куни мобайнида юборади.

2-§. Метрологик назорат натижаларини II схема бўйича эътироф этиш

36. Метрологик назорат натижаларини эътироф этиш метрологик назорат натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида икки томонлама ҳукуматлараро (идоралараро) битимлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

37. Қуйидагилар ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини метрологик назорат қилиш натижаларини эътироф этиш шартлари ҳисобланади:

метрологик назорат аккредитация қилинган лабораториялар (марказлар) ёки ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ишларнинг ушбу турларини ўтказишга ваколатли бўлган органлари томонидан ўтказилиши;

ўлчов воситаларини ва стандарт намуналарнинг халқаро эталонларгача изчиллигини таъминлаш;

ўлчов воситалари, синов воситалари, стандарт намуналар ва ўлчовларни бажариш методикаларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив ҳужжатлар талабларига ҳамда ишлаб чиқарувчининг фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқлиги;

Ўзбекистон Республикасида уларнинг метрологик назоратини ўтказиш мавжуд бўлмаган ҳолатларда ариза берувчининг ўлчов воситалари, синов воситалари, стандарт намуналарнинг кейинги (даврий) метрологик назоратини таъминлаш бўйича мажбуриятлари.

38. Ариза берувчи ваколатли органга ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини метрологик назорат қилиш натижаларини эътироф этиш юзасидан ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича буюртманом тақдим этади, унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

метрологик назорат натижаларини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси ёки унинг ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг метрология бўйича миллий органи томонидан тасдиқланган нусхаси;

метрологик назоратни ўтказиш усулларини ва/ёки методикасини регламентловчи ҳужжатларнинг ҳамда ўлчов воситалари, синов воситалари ва стандарт намуналардан фойдаланиш қоидаларининг нусхаси;

ўлчовларни бажариш методикаларининг асл нусхаси ёки уларнинг асл нусхасини сақловчининг муҳри билан тасдиқланган нусхаси;

ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларининг метрологик назоратини ўтказган органнинг аккредитация қилинганлигини ёки ваколатини тасдиқловчи ҳужжатнинг аккредитация қилинган орган ёки ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг метрология бўйича миллий органи томонидан тасдиқланган нусхаси.

39. Ваколатли орган буюртманомани кўриб чиқади ва тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади. Уларнинг натижалари бўйича 3 иш куни мобайнида эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилади ёки эътироф этишни расман асосланган ҳолда рад этади.

40. Ўлчов воситаларининг метрологик назорати ва навбатдан ташқари текшируви натижаларини эътироф этиш сертификатини расмийлаштириш ушбу Низомнинг 32 — 35-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-§. Метрологик назорат натижаларини III схема бўйича эътироф этиш

41. Метрологик назорат натижаларини III схема бўйича эътироф этиш импорт қилинаётган ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт

намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини Ўзбекистон Республикасида метрологик назоратдан ўтказиш имконияти бўлмаган бошқа ҳолатларда амалга оширилади.

42. Метрологик назорат натижаларини III схема бўйича эътироф этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ваколатли орган томонидан экспертиза қилиш натижаларини таҳлил қилиш асосида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан қабул қилинади.

43. Қўйидагилар ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини метрологик назорат қилиш натижаларини эътироф этиш шартлари ҳисобланади:

метрологик назоратни аккредитация қилинган лабораториялар (марказлар) ёки ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ушбу ишларнинг турларини ўтказишга ваколатли органлари томонидан ўтказиш;

ўлчовлар воситаларининг ва стандарт намуналарнинг халқаро эталонларгача изчиллигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасида уларнинг метрологик назоратини ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатларда ариза берувчининг ўлчов воситалари, синов воситалари ва стандарт намуналарнинг кейинги (даврий) метрологик назоратини таъминлаш бўйича мажбуриятлари;

метрологик назорат натижаларини ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни етказиб бериш комплектига қирадиган ҳужжатлар билан тасдиқлаш.

44. Ариза берувчи ваколатли органга ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини метрологик назорат қилиш натижаларини эътироф этиш юзасидан ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича буюртманома тақдим этади, унга қўйидаги ҳужжатларни илова қилади:

метрологик назорат натижаларини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси ёки унинг ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг метрология бўйича миллий органи томонидан тасдиқланган нусхаси;

метрологик назоратни ўтказиш усулларини ва/ёки методикасини регламентловчи ҳужжатларнинг ҳамда ўлчов воситалари, синов воситалари ва стандарт намуналардан фойдаланиш қоидаларининг нусхаси;

ўлчовларни бажариш методикаларининг асл нусхаси ёки уларнинг асл нусхасини сақловчи муҳри билан тасдиқланган нусхаси;

ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларининг метрологик назоратини ўтказган органнинг аккредитация қилинганлигини ёки ваколатини тасдиқловчи ҳужжатнинг аккредитация қилинган орган ёки ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг метрология бўйича миллий органи томонидан тасдиқланган нусхаси;

ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларининг кейинги (даврий) метрологик назоратини ўтказиш мажбурияти тўғрисидаги қафолат хати.

45. Ваколатли орган тақдим этилган ҳужжатларни 3 иш куни мобайнида экспертизадан ўтказди ва натижаларни метрологик назорат ишлари натижаларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун «Ўзстандарт» агентлигига юборди ёки ариза берувчига эътироф этишнинг расман асосланган ҳолдаги ҳужжатини беради.

46. «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ваколатли орган тақдим этган ҳужжатлар пухта ўрганиб чиқилади ва 3 иш куни мобайнида метрологик назорат натижаларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ёки эътироф этиш расман асосланган ҳолда рад этилади.

47. Метрологик назорат натижаларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда «Ўзстандарт» агентлиги 5 иш куни мобайнида эътироф этишдан ўтган ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини давлат реестрига киритади, ваколатли орган ушбу Низомнинг 9 — 14-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича метрологик назорат натижаларини эътироф этиш сертификатини расмийлаштиради.

IV-боб. Яқунловчи қоидалар

48. Хорижий мамлакатларнинг мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларини ва синов протоколларини, шунингдек ўлчов воситаларини, синов воситаларини, стандарт намуналарини ва ўлчовларни бажариш методикаларини метрологик назорат қилиш натижаларини эътироф этиш тартиб-таомилларини ўтказганлик учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

49. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини эътироф этиш бўйича ишларни ўтказишда қўшимча ҳужжатларни сўрашга йўл қўйилмайди, ушбу Низомнинг 10, 11, 12, 27, 38, 44-бандларида кўрсатилганлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик тўғрисидаги декларациялари ва синовлар протоколлари Ўзбекистон Республикасида эътироф этиладиган давлатлар РЎЙХАТИ

Т/р	Давлатларнинг номи	
1.	Австрия	26. Нидерландия
2.	Озарбайжон	27. Янги Зеландия
3.	Австралия	28. Норвегия
4.	Аргентина	29. Бирлашган Араб Амирликлари
5.	Бельгия	30. Польша
6.	Белорусь	31. Португалия
7.	Бразилия	32. Россия Федерацияси
8.	Буюк Британия	33. Руминия
9.	Венгрия	34. Сингапур
10.	Вьетнам	35. Словакия
11.	Германия	36. Словения
12.	Гонконг	37. АҚШ
13.	Греция	38. Тайвань
14.	Дания	39. Туркия
15.	Исроил	40. Украина
16.	Ҳиндистон	41. Финляндия
17.	Индонезия	42. Франция
18.	Ирландия	43. Хорватия
19.	Испания	44. Чехия
20.	Италия	45. Чили
21.	Канада	46. Швейцария
22.	Хитой Халқ Республикаси	47. Швеция
23.	Люксембург	48. Жанубий Африка Республикаси
24.	Малайзия	49. Жанубий Корея
25.	Мексика	50. Япония

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасидан ташқарида берилган
мувофиқлик сертификатларини, мувофиқлик тўғрисидаги
декларацияларини эътироф этиш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1- босқич	Мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларация эътироф этилишига талабгорлик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс — Ариза берувчи	1. Мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни тайёрлайди. 2. Зарур ҳужжатлар илова қилинган мувофиқлик сертификатини ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этишга буюртманомани бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда сертификатлаш органига тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2- босқич	Сертификациялаш органи	Буюртманомани кўриб чиқади, тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади, уларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текширади, шунингдек маҳсулотни идентификациялайди.	2 иш кунидан ортиқ эмас (тез бузиладиган маҳсулотлар учун 1 иш куни)
3- босқич	Сертификациялаш органи	Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили натижалари ва маҳсулотни идентификациялаш натижалари асосида: мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради; қўшимча синовлар ўтказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади; рад этиш сабабларини асосли баён қилган ҳолда рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	1 иш куни мобайнида

42 (698)-сон

— 37 —

534-модда

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида
амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш
натижаларини Ўзбекистон Республикасида
эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Сертификатлаш органи раҳбарига

**Мувофиқлик сертификатини эътироф этишга
АРИЗА**

_____ томонидан тайёрланган,
(ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг номи, манзили)

_____ талабларига мувофиқликка
(унга мувофиқликка сертификатлаштириш ўтказилган ҳужжатнинг белгиланиши, номи)

_____ да синовдан ўтказилган
(синов лабораториясининг номи, манзили)

_____ сертификатини
(маҳсулотнинг номи, тури, модели, маркаси)

эътироф этишингизни илтимос қиламиз.

Сертификат _____
(сертификатни берган аккредитация қилинган органнинг (ташкилотнинг, фирманинг) номи)

_____ қоидалари бўйича
(сертификатлаш тизимининг номи ёки битим рақами)

_____ дан _____ гача муддатга берилган.

Қўшимча маълумотлар _____
(сифат тизимига мувофиқлик сертификати ва шу кабилар)

Аризага: _____ ларни илова қиламиз
(ҳужжатлар ва материаллар рўйхати)

Ариза берувчининг номи, манзили ва СТИР _____

Ариза берувчининг телефони/факси _____

Ижро этувчи ходимнинг Ф.И.О.,
лавозими ва телефони _____

_____ (раҳбар/у ваколат берган шахс)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида
амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш
натижаларини Ўзбекистон Республикасида
эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Сертификатлаш органи раҳбарига

**Мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни эътироф этишга
АРИЗА**

_____ томонидан тайёрланган,
(ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг номи, манзили)

_____ талабларига мувофиқликка
(унга мувофиқликка сертификатлаштириш ўтказилган ҳужжатнинг белгиланиши, номи)

_____ да синовдан ўтказилган,
(синов лабораториясининг номи, манзили)

_____ га
(маҳсулотнинг номи, тури, модели, маркаси)

берилган сертификатни эътироф этишингизни илтимос қиламиз.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларация _____
(сертификатлаш тизимининг номи ёки битим рақами)

_____ қондалари бўйича _____ дан _____ гача муддатга
(мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни рўйхатдан ўтказган ташкилот, фирманинг аккредитация қилинган органи номи, манзили)

_____ томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Қўшимча маълумотлар _____
(сифат тизимига мувофиқлик сертификати ва шу кабилар)

Аризага: _____ ларни илова қиламиз.
(ҳужжатлар ва материаллар рўйхати)

Ариза берувчининг номи, манзили ва СТИР _____

Ариза берувчининг телефони / факси _____

Ижро этувчи ходимнинг Ф.И.О.,
лавозими ва телефони _____

_____ (раҳбар/у ваколат берган шахс)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-ИЛОВА

**Ўлчов воситалари, синов воситалари, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини метрологик назорат қилиш натижаларини ва ўлчовларни бажариш методикаларини эътироф этишнинг
I СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ташкилот (ишлаб чиқарувчи ёки экспорт қилувчи) Ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг метрология бўйича миллий органи	1. Ўлчов воситалари, синов воситалари, стандарт намуналар метрологик назорат қилиш натижаларини ва ўлчовларни бажариш методикаларини эътироф этиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни тайёрлайди. 2. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгашнинг Давлатлараро стандартлаштириш қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг метрология бўйича миллий органи орқали ваколатли органга ҳужжатларни тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Ваколатли орган	Буюртманомани ва ҳужжатларни кўриб чиқади ва: эътироф этишга доир ишларни бажариш; ҳужжатлар Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгашнинг Давлатлараро стандартлаштириш қоидалари талабларига мувофиқ бўлмаганда уларни пухта ишлаш учун қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади.	3 иш куни мобайнида
3-босқич	«Ўзстандарт» агентлиги, ваколатли орган	Эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тегишли маълумотни давлат реестрига киритади ва эътироф этиш сертификатини расмийлаштиради.	5 иш куни мобайнида

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга 6-ИЛОВА

**Ўлчов воситалари, синов воситалари, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини метрологик назорат қилиш натижаларини ва ўлчашларни бажариш методикаларини эътироф этишнинг
II СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Ўлчов воситалари, синов воситалари, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини метрологик назорат қилиш натижаларини эътироф этиш учун зарур бўлган тегишли хужжатларни тайёрлайди. 2. Зарур хужжатлар илова қилинган буюртманомани бевосита, олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома олинган почта алоқаси воситалари орқали ваколатли органга тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Ваколатли орган	Буюртманомани ва хужжатларни кўриб чиқади ва: ишлар натижаларини эътироф этиш; хужжатлар мувофиқ бўлмаганда ва/ёки бут бўлмаганда уларни қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади.	3 иш куни мобайнида
3-босқич	«Ўзстандарт» агентлиги, ваколатли орган	Эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тегишли маълумотни давлат реестрига киритади ва эътироф этиш сертификатини расмийлаштиради.	5 иш куни мобайнида

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Ўлчов воситалари, синов воситалари, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини метрологик назорат қилиш натижаларини ва ўлчовларни бажариш методикаларини эътироф этишнинг
III СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Ўлчов воситалари, синов воситалари, стандарт намуналарни ва ўлчовларни бажариш методикаларини метрологик назорат қилиш натижаларини эътироф этиш учун зарур бўлган тегишли хужжатларни тайёрлайди. 2. Зарур хужжатлар илова қилинган буюртманомани бевосита, олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома олинган почта алоқаси воситалари орқали ваколатли органга тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Ваколатли орган	Тақдим этилган хужжатларни экспертизадан ўтказди ва хужжатларни метрологик назорат ишлари натижаларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун «Ўзстандарт» агентлигига юборди ёки ариза берувчига сабаблари кўрсатилган эътироф этишни рад этади.	3 иш куни мобайнида
3-босқич	«Ўзстандарт» агентлиги	Ваколатли орган томонидан тақдим этилган таҳлил натижаларини пухта ўрганиб чиқади ва: иш натижаларини эътироф этиш; эътироф этишни расман сабабларини кўрсатиб рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	3 иш куни мобайнида
4-босқич	«Ўзстандарт» агентлиги, ваколатли орган	Эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тегишли маълумотни давлат реестрига киритади ва эътироф этиш тўғрисидаги сертификатни расмийлаштиради.	5 иш куни мобайнида

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга 8-ИЛОВА

«Ўзстандарт» агентлиги раҳбарига

Ўлчов воситалари, синов воситалари, моддаларнинг таркиби ва хоссалари стандарт намуналарининг метрологик назоратини эътироф этишга АРИЗА

Ариза берувчи _____
(ариза берувчининг номи, манзили, телефони, электрон почтаси)

_____ томонидан тайёрланган (ишлаб чиқилган),
(ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқувчи) ташкилотнинг номи)

_____ томонидан тасдиқланган ва
(метрологик назорат натижаларини тасдиқлаган ташкилотнинг номи)

_____ рақами билан _____нинг давлат реестрида рўйхатдан
(мамлакатнинг номи)

ўтказилган _____нинг
(ўлчов воситалари, синов воситалари, моддаларнинг таркиби ва хоссалари)

_____ стандарт намуналарининг ҳамда ўлчовларни бажариш методикаларининг номи ва белгиланиши, завод рақами ёки

_____ бошқа идентификацияловчи белгиси, ишлаб чиқарилган йили)

метрологик назоратини эътироф этиш тўғрисида сертификат бериш учун хужжатларни экспертизадан ўтказишни илтимос қилади.

Ўлчов воситалари тури _____га мувофиқ
(норматив хужжатнинг белгиланиши)

Аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади: _____
(хужжатлар рўйхати)

Ариза берувчининг манзили ва СТИР _____

Ариза берувчининг телефони/факси _____

Ижро этувчи ходимнинг Ф.И.О.,
лавозими ва телефони _____

_____ (раҳбар/у ваколат берган шахс)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «___» _____

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида
амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш
натижаларини Ўзбекистон Республикасида
эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона
бирликда бўлишини таъминлаш тизими**

*Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги
(«Ўзстандарт» агентлиги)*

(ваколатли органнинг номи)

**Ўлчов воситаларининг тасдиқланган турини эътироф этиш
СЕРТИФИКАТИ**
№ _____

Ўлчов воситалари
давлат реестри
белгиси

20__ йил «___» _____ гача
амал қилади

Ушбу сертификат Синовлар натижаларини ўзаро эътироф этиш ва ўлчов
воситалари турини тасдиқлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ _____

(тасдиқланган турдаги ўлчов воситаларини ишлаб чиқарган ташкилотнинг номи)

_____ да тайёрланган,
_____ томонидан тасдиқланган
(ўлчов воситаларининг турини тасдиқлаган ташкилотнинг номи)

_____нинг давлат реестрида _____ рақами билан
(мамлакатнинг номи)

рўйхатдан ўтказилган _____ тур эътироф
(ўлчов воситаларининг номи ва уларнинг тури белгиланиши)

этилганлигини тасдиқлайди.

Ўлчов воситалари тури _____га мувофиқ,
(техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг белгиланиши)

_____ рақами билан Ўлчов воситаларининг
давлат реестрига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга
рухсат берилган.

(раҳбар/у ваколат берган шахс)

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «___» _____

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга 10-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими

*Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
(«Ўзстандарт» агентлиги)*

(ваколатли органнинг номи)

**Ўлчов воситаларининг метрологик назорати
натижаларини эътироф этиш
СЕРТИФИКАТИ
№ _____**

Ўлчов воситалари
давлат реестри
белгиси

20__ йил «__» _____ гача
амал қилади

Ушбу сертификат _____,
_____ томонидан тайёрланган,
(ишлаб чиқарувчининг номи)

_____ дан импорт қилинадиган,
(ўлчов воситаларини ишлаб чиқарувчи мамлакат)

_____ га тегишли бўлган,
(техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг белгиланиши)

_____ метрологик тавсифларга эга бўлган
(параметрнинг номи, ўлчаш чегаралари,

_____ ,
аниқлик даражаси/ йўл қўйиладиган нуқсон чегараси)

_____ ўлчов воситаси
(ўлчов воситасининг номи ва тури белгиланиши, завод рақами ёки бошқа идентификацияловчи белги)

_____ га мувофиқлиги,
(техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг белгиланиши)

_____ эътироф этилганлигини тасдиқлайди.
(эътироф этиш учун асос)

_____ рақами билан Ўлчов воситаларининг

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

давлат реестрига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат берилган.

_____ (раҳбар/у ваколат берган шахс)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «___» _____

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими

*Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
(«Ўзстандарт» агентлиги)*

_____ (ваколатли органнинг номи)

**Моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссалари стандарт намунаси турини тасдиқлаш тўғрисида
СЕРТИФИКАТ**

№ _____

Ўлчов воситалари
давлат реестри
белгиси

20__ йил «___» _____ гача
амал қилади

Ушбу сертификат _____

_____ томонидан тайёрланган
(тасдиқланган турдаги моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг
стандарт намунасини ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг номи)

_____ тури
(моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссалари стандарт намунасининг номи ҳамда
унинг тури белгиланиши)

тасдиқланганлигини тасдиқлайди.

Моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссалари стандарт намуна-
си тури _____ га мувофиқ,
(техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг белгиланиши)

_____ рақами билан Ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида қўллашга рухсат берилган.

Моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссалари стандарт намунаси тури _____га мувофиқлик тасдиқланган.
(эътироф этиш учун асос)

Моддалар таркиби ва хоссалари стандарт намунаси турининг таърифи иловада келтирилган ва ушбу сертификатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбу сертификатнинг амал қилиши _____га жорий этилади.

(раҳбар/у ваколат берган шахс)

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «____» _____

42 (698)-сон

— 47 —

534-модда

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида
амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш
натижаларини Ўзбекистон Республикасида
эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона
бирликда бўлишини таъминлаш тизими**

*Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги
(«Ўзстандарт» агентлиги)*

(ваколатли органнинг номи)

**Моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссалари
стандарт намунаси
СЕРТИФИКАТИ
№ _____**

Ўлчов воситалари
давлат реестри
белгиси

20__ йил «___» _____ гача
амал қилади

(давлат реестри бўйича стандарт намунанинг номи ва белгиланиши, туркумининг рақами)

_____ бўйича ишлаб чиқарилади.

Вазифаси ва қўллаш соҳаси _____

Таъриф _____

Асосий техник ва метрологик тавсифлар _____

Комплектлиги _____

Техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар _____

Ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи) _____

Сертификат _____ бе-
рилди.

(раҳбар/у ваколат берган шахс)

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «___» _____

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга 13-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона
бирликда бўлишини таъминлаш тизими**

*Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги
(«Ўзстандарт» агентлиги)*

(ваколатли органнинг номи)

**Ўлчовларни бажариш методикаси
СЕРТИФИКАТИ
№ _____**

Ўлчов воситалари
давлат реестри
белгиси

20__ йил «___» _____ гача
амал қилади

Ушбу сертификат _____
(ташқиловнинг — ишлаб чиқувчининг номи ёки ўлчовларни бажариш методикаси олинган манба)

томонидан ишлаб чиқилган _____
(ўлчовларни бажариш методикасининг номи)

Ўлчовларни бажариш методикаси _____
асосида эътироф этилганлигини,
_____ рақами билан Ўлчовларни бажариш методикалари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганлигини ва Ўзбекистон Республикасида, шу жумладан давлат метрология назорати ва текшируви тарқалиши соҳасида қўллашга қўйилганлигини тасдиқлайди.

Ўлчовларни бажариш методикаларининг метрологик тавсифлари ушбу сертификатнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган паспортда келтирилган.

(рахбар/у ваколат берган шахс)

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «___» _____

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида
амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш
натижаларини Ўзбекистон Республикасида
эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низомга
14-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона
бирликда бўлишини таъминлаш тизими**

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги
(«Ўзстандарт» агентлиги)**

_____ (ваколатли органнинг номи)

Ўлчов воситалари
давлат реестри
белгиси

20__ йил «___» _____ гача
амал қилади

Ушбу сертификат _____ томонидан тайёрланган,
(ишлаб чиқарувчининг номи)

_____ дан импорт қилинадиган,
(ўлчов воситаларини ишлаб чиқарувчи мамлакат)

_____ га тегишли бўлган
(юрidik шахснинг — синов воситаси эгасининг номи)

_____ ўлчов воситаси
(ўлчов воситаларининг номи ва белгиланиши, завод рақами ёки инвентар рақами)

_____ га мувофиқлиги
(техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг белгиланиши)

_____ эътироф этилганлигини,
(эътироф этиш учун асос)

ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат берилганлигини
тасдиқлайди.

_____ бўйича
(синов методикасига ҳужжатнинг номи ва белгиланиши (зарурият бўлганда)

_____ ни
(махсулотнинг номи)

синашда фойдаланиш учун яроқли деб эътироф этилган.

Такрорий аттестациянинг даврийлиги _____
(ойлар (йил)

_____ (раҳбар/у ваколат берган шахс)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «___» _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 56-модда) 10-бандидан «турдош» сўзи чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошидан, 8-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидан, 12-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардан, 18-банднинг «б» кичик бандидан, 30-банднинг иккинчи хатбошидан «бир турдаги» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 77-модда):

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда бажарилишини таъминлаш»;

учинчи хатбошидаги «сертификатлаштириш» сўзидан кейин «, аккредитация қилиш» сўзлари қўшилсин;

олтинчи хатбошидаги «ва сертификатлаштириш» сўзлари «сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қўшилсин:

«аккредитация қилишнинг миллий тизимини ташкил этиш, унинг фаолият юритиши ва уни ривожлантириш;

юрidik шахсларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда холислик ва одилликни таъминлаш»;

б) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомда:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «сертификатлаштириш» сўзидан кейин «ва аккредитация қилиш» сўзлари қўшилсин;

7-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда бажарилишини таъминлаш»;

учинчи хатбошидаги «сертификатлаштириш» сўзидан кейин «ва аккредитация қилиш» сўзлари қўшилсин;

олтинчи хатбошидаги «ва сертификатлаштириш» сўзлари «сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«аккредитация қилишнинг миллий тизимини ташкил этиш, унинг фаолият юритиши ва уни ривожлантириш;

юридик шахсларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда холислик ва одилликни таъминлаш»;

8-бандда:

«а» кичик бандида:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда бажарилишини таъминлаш соҳасида»;

еттинчи хатбошидаги «сертификатлаштириш» сўзидан кейин «ва аккредитация қилиш» сўзлари қўшилсин;

тўққизинчи хатбошидан «ва жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

«б» кичик бандда:

бешинчи хатбошидаги «ва сертификатлаштириш» сўзлари «сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси аккредитация қилиш миллий тизимининг фаолият кўрсатишини таъминлайди;

аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани белгиланган тартибда расмийлаштиради, тасдиқлайди, амал қилишини тўхтатиб туради, тўхтатади ва уни бекор қилади;

махсулотларни, ишлаб чиқариш жараёнларини, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш, ўлчаш ва синаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш, ўлчашларни бажариш методикаларини ҳамда сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш қоидаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди»;

брошюралар, журналлар нашр этади, оммавий ахборот воситаларида ёки расмий веб-сайтда аккредитация қилиш масалаларига оид маълумотларни эълон қилади;

доимий равишда халқаро амалиётни ўрганиб боради, унинг натижалари бўйича аккредитация қилишнинг илғор усуллари жорий этишга доир таклифлар киритади;

мувофиқликни баҳолашнинг ягона қоидалари ва тартиб-тамоийларини қўллаиди;

аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларининг хизматларидан фойдаланишга тўсиқлар яратилишига ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўймайди»;

«в» кичик бандда:

саккизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатини ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади»;

ўнинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«сертификатлаштирилган махсулотлар, хизматлар, ходимлар, менежмент тизимлари, ўлчаш воситалари, синаш воситалари ва ўлчашларни бажариш методикалари, сифат бўйича эксперт-аудиторлар, аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органлари давлат реестрларини юритади»;

«г» кичик банддаги «ва сертификатлаштириш» сўзлари «сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва сертификатлаштириш» сўзлари «сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «сертификатлаштириш» сўзидан кейин «аккредитация қилиш» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 30-модда) 2-банднинг учинчи хатбоши, шунингдек қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 96-модда) билан тасдиқланган Гигиеник сертификация қилинадиган (санитария-эпидемиологик хулоса бериладиган) товарлар рўйхатига қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ: гигиеник сертификат (санитария-эпидемиология хулосаси) сертификатланадиган махсулотларга санитария қоидалари, нормалари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда гигиеник нормативлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади».